

**РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕСНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТДА ТУТГАН ЎРНИ****Махмудова Дилбар Рахмоновна**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7375786>

**Аннотация.** Мақолада “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириши шароитида кичик бизнеснинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётда тутган ўрни” тўғрисида сўз юритилиб, мамлакатимизнинг халқаро рейтинг индекс кўрсаткичларидаги ўрни аниқланган. Ҳозирги кунда кўпинча қўлланилиб келинаётган ақлли бошқарув, рақамли иқтисодиёт атамаларига атрофлича таърифлар келтирилган. Шунингдек, инновацион иқтисодиётга ўтишида рақамли технологияларнинг аҳамияти ва ривожланишининг босқичма-босқич эволюцион даврлари кўрсатилган. Рақамли иқтисодиётнинг белгилари ва унинг жорий қилиши йўналишлари очиб берилган. Мамлакатимизни янги босқичга ўтказишида, кичик бизнес бошқарувини такомиллаштириши орқали ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришиши масалалари юзасидан асосли таклиф ва тавсиялар келтирилган.

**Калит сўзлар:** рақамли иқтисодиёт, кичик бизнес, индустрия 4.0, ақлли бошқарув, инвестиция, инновация, сунъий интеллект.

**РОЛЬ МАЛОГО БИЗНЕСА В СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОМ РАЗВИТИИ В УСЛОВИЯХ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ**

**Аннотация.** В статье говорится о «роли малого бизнеса в социально-экономическом развитии в условиях развития цифровой экономики» и определяется место страны в показателях международного рейтингового индекса. Даны подробные определения терминам умное управление, цифровая экономика, часто употребляемым в настоящее время. Также показано значение цифровых технологий при переходе к инновационной экономике и поэтапные эволюционные периоды их развития. Выявлены признаки цифровой экономики и направления ее реализации. При переходе нашей страны на новый этап представлены обоснованные предложения и рекомендации по вопросам достижения социально-экономического развития за счет совершенствования управления малого бизнеса.

**Ключевые слова:** цифровая экономика, малый бизнес, индустрия 4.0, умное управление, инвестиции, инновации, искусственный интеллект.

**THE ROLE OF SMALL BUSINESS IN SOCIO-ECONOMIC DEVELOPMENT IN THE CONTEXT OF DIGITAL ECONOMY DEVELOPMENT**

**Abstract.** The article talks about "the role of small business in socio-economic development in the context of the development of the digital economy" and determines the country's place in the international rating index indicators. The terms of smart management, digital economy, which are often used nowadays, are given detailed definitions. Also, the importance of digital technologies in the transition to the innovative economy and the gradual evolutionary periods of their development are shown. The signs of the digital economy and directions for its implementation are revealed. In moving our country to a new stage, reasonable suggestions and recommendations are presented regarding issues of achieving socio-economic development by improving small business management.

**Keywords:** digital economy, small business, industry 4.0, smart management, investment, innovation, artificial intelligence.

## КИРИШ

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида кичик бизнеснинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётда тутган ўрни айниқса, ҳозирги глобаллашув жараёнида долзарб аҳамият касб этади. Иқтисодиётимизнинг реал сектори тармоқларидан бири бўлган кичик бизнес давлатимиз бюджетини ва қудратини юқори кўрсаткичларга кўтариши билан бирга ижтимоий масалаларни ҳам ҳал қилади. Яъни янги иш ўринларини очиш эвазига аҳолининг бандлиги таъминланади, иш билан таъминланганлик асосида ишчи ходимларнинг яшаш фаровонлиги ошиб, одамларда мулкдорлик ҳиссини уйғотади, айниқса боқимандалик руҳияти ташаббускорлик руҳиятига айланиб ўрта мулкдорлар қатлами шаклланади ва ижтимоий барқарорликка эришилади. Ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришишда албатта мамлакатимиз миқёсида ҳар бир ҳудудларда ушбу соҳани ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари томонидан иқтисодий ислохотларни янада ривожлантириш, юртимизда тадбиркорлик фаолиятини изчил такомиллаштиришда аёллар ва ёшларга алоҳида эътибор берилиши ва бу орқали рақамли иқтисодиётни ривожлантириш масаласи иқтисодий-ижтимоий, сиёсий жиҳатдан кучли бўлган демократик давлат қуриш ҳамда учинчи ренесанс пойдеворини яратишдек улуғ мақсадларни амалга оширишда айнан уларнинг ўрни бекиёслиги таъкидланган. Сўнги йилларда аҳолининг кенг қатламини тадбиркорликка жалб қилиш ва уларнинг даромад манбаларини кенгайтиришга қаратилган "Ҳар бир оила - тадбиркор", "Ёшлар келажагимиз" каби ижтимоий дастурлар доирасида жами 13 трлн сўмдан зиёд имтиёзли кредитлар ажратилиб, 600 мингдан зиёд оилаларни қамраб олишга эришилди. Кичик бизнесни ривожлантиришда жамиятимизда аҳолининг тенг ярмини ташкил этган хотин-қизларнинг аҳамиятини инобатга олган ҳолда, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, меҳнат ҳуқуқини кафолатлаш ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўлламли ишларни янада такомиллаштириш мақсадида "Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарор қабул қилиниб, аёлларнинг ўз бизнесини бошлаши учун кенг қулайликлар яратибгина қолмай балки, эркин фаолият юритишлари учун ҳам асос бўлди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш билан боғлиқ ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш имкониятларидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг 2017-2021-йилларга мўлжалланган асосий концептуал йўналишлари сифатида қуйидагилар белгилаб қўйилди:

1. Хусусий мулк ҳуқуқи ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожини йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, унга тўлиқ эркинлик бериш;

2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат,

хукукини муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларнинг қатъий олдини олиш;

3. Давлат мулкани хусусийлаштиришни янада кенгайтириш ва унинг тартиб-тамойилларини соддалаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларида давлат иштирокини камайтириш, давлат мулкидан хусусийлаштирилган объектлар баъзасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

4. Инвестиция муҳитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларида хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш;

5. Корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усуллари жорий этиш, корхоналарнинг стратегик бошқарилишида акциядорларнинг ролини кучайтириш;

6. Тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик тармоқларига уланиши бўйича тартиб-тамойил ва механизмларни такомиллаштириш ва соддалаштириш;

7. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини тартибга солишда давлат иштирокини камайтириш, давлат хусусий шерикликни кенгайтириш, нодавлат, жамоат ташкилотлари ва жойлардаги ўзини-ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш. Кичик бизнес ҳозирги даврга келиб нафақат бизни мамлакатимиз, қолаверса жаҳон мамлакатлари иқтисодий қудратини белгиловчи муҳим соҳадир. Ўзбекистоннинг халқаро рейтинг кўрсаткичларида муносиб ўрин эгаллашида кичик бизнес бошқарувини такомиллаштириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. “Doing business (Бизнес юритиш)-2020” рейтингда давлатимиз 186 та мамлакат қаторидан 69 ўринни эгаллаб 7-поғонага кўтарилиб халқаро майдонда ўз ўрнига эга бўлмоқда.

**1-жадвал.**

**Халқаро рейтинг индекс кўрсаткичларида Ўзбекистоннинг ўрни.**

№	Индекс	Таъриф	Ўзбекистон Республикасининг позицияси	Индексда иштирок этаётган даврлар
1	Index of Economic Freedom, 2019	Иқтисодий эркинлик индекси, яъни фуқаролар учун зарур бўлган ҳимоя ва эркинликдан ташқари, товар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тарқатиш ва истеъмол қилишга давлат аралашуви ва тўсқинликларининг йўқлиги.	140	180
2	Doing Business, 2020	Тадбиркорлик фаолиятини кенгайтиришга ёрдам берадиган кўрсаткичлар ва уни чекловчи	69	186

		меъзонлар		
3	Indigo Index, 2018	Хом ашё ва табиий ресурслардан фойдаланишдан инновациялар ва технологиялардан фойдаланишга ўтиш шароитларида иқтисодиётнинг мослашувчанлиги ва ривожланиш қобилиятини баҳолаш	128	180

Янги корхона очиш қулайлиги бўйича юртимиз илк бор дунёда 8-ўринга кўтарилди. Афсуски, Ўзбекистон жаҳоннинг муҳим рейтингларидан бири бўлган “Global entrepreneurship monitor (Глобал тадбиркорлик мониторинги)” рейтингда йўқ. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда иқтисодиётнинг реал сектори улушини янада оширган ҳолда, унинг кичик бизнес соҳасини изчил такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

#### ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Илмий адабиётларда эса бир қанча олимлар рақамли иқтисодиёт атамасига ўзларининг қарашларини келтирганлар, “постиндустриал иқтисодиёт” (Д.Белл), “ахборотлашган иқтисодиёт” (О.Тоффлер), “мегаиқтисодиёт” (В.Кувалдин), “ахборот ва алоқага асосланган иқтисодиёт” (И.Ниинилуто), “техноиқтисодиёт ёки рақамли иқтисодиёт” (Б.Гейтс), “билимларга асосланган иқтисодиёт” (Д.Тапскотт)”. Мамлакатнинг иқтисодиёти айнан ушбу соҳани ривожлантирганлик даражаси билан белгиланиши, ушбу соҳанинг жуда кўп қулайлик томонлари мавжудлиги ва улар ижтимоий-иқтисодий ҳаётда муҳим ўринга эга эканлиги ҳамда мазкур масаланинг не чоғлик ҳақиқат эканлигини инновацион жараёнларнинг эволюциясида ҳам кўриш мумкин. Иқтисодиёт соҳасида инновацион ривожланиш жараёнида оламшумул ўзгаришлар амалга оширилаётган бир даврда рақамли технологиялар кундалик ҳаётимизга шиддатли кириб келмоқда. Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ва барча соҳаларга кенг тадбиқ этиш масаласи жаҳондаги кўплаб олимларни изланишга ва ўз қарашларини эътироф этишига сабаб бўлмоқда ва бу борада кўплаб олимлар ижобий фикр билдирса, айримлари салбий ёндашишмоқда.

Совет ва рус олими профессор Татьяна Черниковская “Рақамли иқтисодиёт антропологик муаммо” деб яъни бутун инсониятнинг эволюциясига қолаверса, онгига, тафаккурига, фаолиятига таъсир кўрсатувчи глобал муаммо эканлигини айтиб ўтса, кўплаб олимлар эса ижобий фикр билдириб рақамли иқтисодиётдан кўрқиш керак эмаслигини уни тан олиш кераклиги ва муаммонининг аҳамиятини тушуниш ва бартараф қилишда рақамли технологиялар муҳим аҳамиятли эканлигини таъкидлашади. Уилям Гибсон ўз асарида “Келажак аллақачон келди, шунчаки у тенг тақсимланмаган” деб ёзади. Джек Манинг таҳлилларига кўра, 2030-йилга келиб бизнеснинг тахминан 80% интернетда амалга оширилиши аниқланган. Бу албатта ахборотлашган жамият ва рақамли иқтисодиётнинг узвий боғлиқлигида инсонлар ўзларининг технологияларини, билимларини, ишлаб чиққан дастурларини ҳаётга тадбиқ этиш, сотиш, сақлаш ва қайта

ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган жамиятга айтилади. Жамият билан иқтисодий тарзани умумлаштирувчи рақамли иқтисодийнинг омилларидан бири - шахсларнинг турмуш тарзини осонлаштириш, вақтдан унумли фойдаланиш ва ортиқча овозгарчиликларни олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

## ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Рақамли иқтисодий ҳозирги кунда бутун дунёни қамраб олиши билан бирга барча соҳаларни тубдан ўзгартиришига олиб келмоқда. Ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини ўзлаштирмай туриб ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган маҳсулот ва хизматларни ярата олмаймиз. Иқтисодий ва технологик тараққиётнинг янги босқичи сифатида намоён бўлаётган рақамли инқилоб инсоният ҳаётини шиддат билан ўзгартириб, кенг имкониятлар яратиш билан бирга, жаҳон бозори майдонида юксак рақобат даврини бошлаб берди. Яъни рақамли технологиялар асосида ташкил этилган ёки “ақлли бошқарув” тизимига ўтган давлатлар янада ривожланиб борса, иқтисодий қолоқ давлатлар бунданда қашшоқлашувига сабаб бўлмоқда. Шу ўринда “ақлли бошқарув” ва “рақамли иқтисодий” тушунчаларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги кунда “ақлли бошқарув”, “ақлли уй”, “ақлли бекаат”, “ақлли соат” каби атамалар кўп тилга олинапти ва улар ижтимоий-иқтисодий тараққиётда долзарблиги билан аҳамиятлидир. Илмий тадқиқот изланишларим жараёнида ақлли бошқарув атамасига аниқ бир илмий йондашувлар келтирилмаганлиги сабабли бу тушуншунчага соҳа нуқтаи назаридан қуйидагича ёндашдим. Ақлли бошқарув – бу ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ёки иш бажариш жараёнида ишчи кучи қисқариши, вақт тежалиши, ресурслардан унумли фойдаланилган ҳолда юқори техника-технологиялар асосида самарали бошқарув тушунилади. Тадбиркорлик фаолиятида ақлли бошқарув – бу ишлаб чиқариш жараёнида техника технологияларнинг чуқур интеграциялашуви бўлиб, юқори даражада автоматлаштириш, қоловерса сунъий интеллект иштирокининг жадаллашувидир. Шундай экан рақамли иқтисодий юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бутун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари ҳамда инновациялар чуқур кириб бормоқда.

Рақамли иқтисодий - бу рақамли технологияларга асосланган иқтисодий фаолият ҳисобланиб, иқтисодийнинг барча тармоқларида рақамли технологияларни ривожлантириш асосида маҳсулотнинг рақобатбардошлигига, ишлаб чиқариш харажатларининг пасайишига, меҳнат унумдорлигининг ошишига ва янги талаб юқори бўлган мутахассисликларнинг яратилишига олиб келади. Шунингдек, рақамли иқтисодий – бу жараёнларни таҳлил қилиш натижаларидан фойдаланиш ва катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш асосида турли хилдаги ишлаб чиқаришлар, технологиялар, асбоб-ускуналар, товар ва хизматларни сақлаш, сотиш ва етказиб бериш самарадорлигини оширишга имкон берадиган, рақамли кўринишдаги маълумотлар асосий ишлаб чиқариш омили ҳисобланган фаолиятдир. Бутун дунёда рақамли иқтисодийни бир қанча атамалар билан номланишини биламиз, яъни булар: digital economy, internet economy, e-economy, virtual economy, network economy.

Ахборот технологияларининг жорий этилиши, ҳаёт ва ишлаб чиқариш суръатларининг ўсишига, “янги” иқтисодий ривожланишига олиб келди. Энди кўплаб

хизматлардан фойдаланиш учун фақатгина смартфоннинг кулфини очишнинг ўзи етарли холос. Янги иқтисодиёт прогноз ва вақтни бошқариш бўлиб, бу жараёнда жисмоний тизимлар кибер-физик тизимларга айланади. Аслида бу ҳақиқий дунёдан виртуал дунёга ўтишдир. Унда билим таълими англаш таълимига ўтади. Биз билимлар иқтисодиётидан билимларни шиддатли жорий қилиш иқтисодиётига ўтмоқдамиз. Илгари биз билим куч деб ишонган бўлсак, энди асосий нарса шунчаки билиш эмас, асосийси бу билимлардан ўз вақтида фойдаланишдир.

Рақамли билимларни ўзлаштирмасдан ва амалиётга жорий қилмасдан туриб, рақамли коммуникацияларга, IT ёрдамида олиб бориладиган рақамли иқтисодиётга ҳамда энг асосийси ҳозирги замон тараққиётининг юқори поғонаси бўлган индустрия 4.0 босқичига ўтиб бўлмайди. IT ривожланиши мамлакатлар иқтисодий ўсиш суръатларига тўғридан-тўғри таъсир этиб, кундалик ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоқда. IT ёрдамида таннархни камайтиришга, оптималлашувга, самарадорлик ошишига ва шу ўринда кичик бизнес бошқарувини такомиллаштиришда ҳам муҳим аҳамиятлидир. Ишлаб чиқариш жараёнида рақамли технологилар жорий қилиниши куйидаги амалиётни шакллантиради:

- Ишлаб чиқаришда вақтни тежашга эришилади;
- Ишлаб чиқариш харажатларини камайтириб ва шу орқали маҳсулот таннархини пасайтирилади;
- Янги “ривожланган”, талаб яқори бўлган мутахассисликлар ўрни ошади;
- Дунё бўйлаб исталган жойдан хизматларни тўлаш имконияти пайдо бўлади.

Рақамли иқтисодиёт ва 4.0 индустриянинг корпоратив микёсда жорий қилиш йўналишларига куйидагиларни кўрсатишимиз мумкин:

- Профессионал хизматлар-on-demand professional services – хизматлари, дизайнер хизматлари, маслаҳатчилар, таржимонлар ва бошқалар;
- Жамоавий молиялаштириш - collaborative finance – краудфудинг (crowd-funding), ўзаро кредитлаш (peer-to-peer lending);
- Уйда кўрсатилган хизматлар - on-demand household services;
- Уй-жойдан биргаликда фойдаланиш - (peer-to-peer accommodation);
- Транспортдан биргаликда фойдаланиш (peer-to-peer transportation).

Рақамли иқтисодиётнинг яна бошқа бир хизматлари, шу жумладан big data, сунъий интеллект, машина воситасида таълим бериш, краудсорсинг, краудфундинг, блокчейн ва булутли технологиялар ҳам келажак иқтисодиётида ва корпоратив бошқарувда ҳал қилувчи аҳамият касб этишини ҳаётнинг ривожланиш тенденциялари яққол кўрсатиб турибди.

Жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча тармоқларига ахборотлаштириш соҳасида эришилган энг сўнгги ютуқларни тадбиқ этиш орқали “ахборотлаштириш”, “компьютерлаштириш”, “электрон ҳукумат”, “электрон бошқарув”нинг ўрни янада такомиллашди. Уларни лойиҳалаштириш, яратиш, ишга тушириш ва кенг қўллашдан мақсад – жамият ва инсон бутун ҳаёт фаолиятини ахборотлаштириш борасидаги муаммоларини ҳал этишдир. Шунинг учун ҳам рақамли иқтисодиёт учун асосий технологиялар ва уларни қаерда, қандай тизимларда эканлигини ўрганиш муҳимдир.

**2- жадвал.**

## Рақамли иқтисодий ривожлантиришда асосий технологиялар ва уларнинг қўлланилиши.

Рақамли иқтисодий учун асосий технология:	Қаерда, қандай тизимларда:
<ul style="list-style-type: none"> <li>- Катта маълумотлар (катта рақамлар);</li> <li>- Нейротехнология ва сунъий интеллект;</li> <li>- Квант технологияси;</li> <li>- Янги ишлаб чиқариш технологиялари;</li> <li>- Саноат интернет (саноат соҳаларига мўлжалланган интернет);</li> <li>- Робототехника ва сенсорика компонентлари;</li> <li>- Симсиз технологиялар;</li> <li>- Виртуал технологиялар ва бошқалар</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Бошқарув қарорларини қабул қилиш тизимлари.</li> <li>- Геоинформацион тизимлар.</li> <li>- Ишлаб чиқаришни роботлаштириш тизимлари.</li> <li>- Булутли ҳисоблаш (маълумотларни қайта тақсимлаш технологиялари).</li> <li>- Ақлли уй, ақлли маҳалла, ақлли ташкилот, ақлли шаҳар.</li> <li>- Интернет-савдо.</li> <li>- Дронлар.</li> <li>- Блокчейн технологиялари.</li> <li>- Интернет ва бошқа ахборот узатиш тизимлари.</li> </ul>

Рақамли технологиялар барча соҳаларга шиддатли кириб келиб, глобал миқёсда янгилашиш, тарраққиётнинг янги босқичини бошлаб бермоқда. Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўринга эга бўлган кичик бизнес иқтисодийнинг дастлабки ривожланиш эволюциясида ҳам инсонларни кичик-кичик соҳалар бўйича бирлаштириб, ягона мақсад сари интилишга яъни фаровонлик ва таракқиётга эришишига олиб келган. Аграр иқтисодий даврида ҳам инсонлар дастлаб оила аъзолари билан, кейинчалик бир жамоа асосида кичик бўлган гуруҳларга бирлашиб, ўз тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйишган. Иқтисодийнинг йиллар ўтиб ривожланиши билан кичик бизнес атамасининг вужудга келиши ва унинг ижтимоий-иқтисодий таракқиётдаги ўрни бевосита инновацион иқтисодийнинг ривожланиш эволюциясида ҳам босқичма-босқич такомиллашиб келган.



**1-расм. Инновацион иқтисодийнинг ривожланиш эволюцияси босқичлари**

Инновацион иқтисодий жаҳондаги энг ривожланган мамлакатларда аллақачон бошланган бўлиб, унинг белгилари қолган ривожланаётган давлатларда аста-секин вужудга келиб, тезлик билан ривожланиб бормоқда.



## 2-расм. Рақамли иқтисодиётнинг белгилари.

**Хулоса ва таклифлар:** Барқарор иқтисодий ўсишнинг энг муҳим гарови – инновацион ғоялар асосида янги рақобатбардош маҳсулотлар ҳамда уларнинг ноананавий ассортиментларини ишлаб чиқариш, улар учун янги халқаро бозорлар топиш ва экспортни кўпайтириб, мамлакатимизнинг транзит салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш энг самарали йўлдир. Бунда эса халқаро бозор маҳсулот сифатини ошириш, таннархни пасайтириш, янги технологиялар олиб келишга мажбур қилади, бозор ислохотларини жадал ривожлантиради. Содда қилиб айтсак, жаҳон ишлаб чиқариш тизимиغا, дунё бозори талабларига ва иқтисодий интеграция жараёнларига бизнес бошқаруви соҳасида қилинадиган инновациялар билан кириб бориш талаб қилинади.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида кичик бизнеснинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётда туганган ўрнини мустаҳкамлаш, соҳа бошқарувини янада такомиллаштиришда юқорида келтирилганларни инобатга олган ҳолда қуйидаги таклиф ва тавсияларни амалиётга тадбиқ этиш мақсадга мувофиқдир:

- кичик бизнес бошқарувида етук мутахассис раҳбар кадрларни тайёрлаш жараёнида уларда инқилобий фикрлаш доирасини кенгайтириш;
- мамлакатимизнинг барча ҳудудлари ва чекка қишлоқларининг хусусиятларидан келиб чиқиб хориж инвесторларини жалб қилган ҳолда корхоналарда рақамли технологияларни жорий қилиш;
- ижтимоий-иқтисодий ҳаёт даражасини оширишда аҳолини айниқса ёшлар ва аёлларни тадбиркорликка жалб қилиб, IT асосида чуқур ўқитиш тизимини йўлга қўйган ҳолда янги талаб юқори бўлган мутахассисликларга тайёрлаш;
- ишлаб чиқариш жараёнида рақамли технологияларни чуқур интеграциялаш орқали маҳсулот таннархи пасайишига, ресурслардан оптимал ва самарали фойдаланиш



ва асосийси хориж бозорларига рақамли экспорт қилишга эришиш;

- кичик бизнес бошқарувини такомиллаштиришда хориж тажрибаларини ўрганиб, соҳани ривожлантиришда чет эл экспертларини жалб қилиш асосида улар амлиётини босқичма-босқич тадбиқ этиш;

- рақамли интеллектуал мулк салоҳиятига эга бўлган шасларни мотивациялаш орқали уларни тўғри йўналтиришда тадбиркорлик ва ишбилармонлик руҳиятини шакллантириш асосида бошқарувни амалга оширувчи юқори даражали етук мутахассис менежерларни тайёрлаш;

- инновацион иқтисодиётга хос бўлган хусусиятларни такомиллаштириш билан ишлаб чиқариш жараёнига сунъий интеллект иштирокини жорий этилишини шакллантириш;

- кичик бизнесда рақамли технологияларнинг дастлабки элементларини киритган ҳолда корхонани йириклаштириш чора-тадбирларини кўриш яъни, кичик бизнесдан ўрта бизнесга, ўрта бизнесдан йирик бизнесга ўтиш;

- кичик бизнесни ривожлантиришда самарали бошқарув айниқса “ақлли бошқарув” асосида ташкил этиш чора-тадбирларини кўриш;

- рақамли иқтисодиёт шароитида кичик бизнес бошқарувини такомиллаштириш орқали, иқтисодиётимизнинг реал сектори улушини кўпайтириш ҳамда мамлакатимизни технологик тараққий этган давр “Индустрия 4” босқичига тайёрлаш истикболли йўналишларини ишлаб чиқишдан иборат.

Юқорида келтирилган таклиф ва тавсиялар амалиётга йўналтирилса, мамлакатимиз нафақат иқтисодий балки, ижтимоий томонлама ҳам ривожланишга эришади ва жаҳон бозорида ҳам муносиб ўринлардан жой олади.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016-йил 5-октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.
2. 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси “. 7.02.2017 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш стратегияси концепцияси. [Uzbekistan2035/uz/2019/05/Концепция-Развития-Узбекистана-uzb/pdf](https://uzbekistan2035.uz/2019/05/Концепция-Развития-Узбекистана-uzb/pdf)
4. Гулямов С.С., Аюпов Р.Ҳ., Абдуллаев О.М., Балтабаева Г.Р. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялари. - Ўқув қўлланма – Тошкент: 2019 йил.
5. Аюпов Р.Ҳ., Маннанова Ш.Г. Иқтисодиёт тармоқларида рақамли иқтисодиётни қўллашнинг асосий йўналишлари. II халқаро илмий-амалий конференция. IV шўба 2019 йил.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелда қабул қилган “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5978-сонли Фармони.

7. Ўзбекистон республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони 5.10.2020 йил.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги № ПҚ-4862 Қарори. 13.10.2020 йил
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020 йил.
10. М.Қ. Пардаев, Т.Х. Мамасоатов, А.А. Муродқобилов Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ривожланиш муаммолари ва ечимлари. Монография. Тошкент – 2013 й 176.
11. М. Пардаев, И. Пардаева, О. Пардаев. Ўзбекистон иқтисодий-ижтимоий таррақиётнинг устувор йўналишлари. Услубий қўлланма. Самарқанд 2019 йил. 75-бет.
12. Rakhmonovna M. D. A System of Government Regulation and Support Measures to Improve Small Business Governance in the Digital Economy //Academic Journal of Digital Economics and Stability. – 2022. – Т. 14. – С. 93-97.
13. Rakhmonovna M. D. Foreign Experience In Regulating And Supporting Small Business By The State //Eurasian Journal of History, Geography and Economics. – 2022. – Т. 5. – С. 22-26.
14. Rakhmonovna M. D. TASKS AND SOLUTIONS TO IMPROVE SMALL BUSINESS IN THE DEVELOPMENT OF THE DIGITAL ECONOMY //Conferencious Online. – 2021. – С. 57-60
15. Rakhmonovna M. D. METHODOLOGICAL BASIS, FORMS, METHODS AND PROPERTIES OF SMALL BUSINESS AND ITS MANAGEMENT 2021
16. Rakhmonovna M. D. UNDERSTANDING THE ESSENCE OF ENTREPRENEURSHIP AND BUSINESS IS THE BASIS FOR IMPROVING SMALL BUSINESS MANAGEMENT
17. Makhmudova D., Kholikulov A. FINANCIAL SUPPORT OF SMALL BUSINESS AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN //Интернаука. – 2020. – №. 4-3. – С. 38-39
18. Rakhmonovna, Makhmudova Dilbar. "RESEARCH PARK." (2021).
19. Dilbar, M. METHODOLOGICAL BASIS, FORMS, METHODS AND PROPERTIES OF SMALL BUSINESS AND ITS MANAGEMENT.
20. М.Д.Рахмоновна СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УПРАВЛЕНИЯ МАЛЫМ БИЗНЕСОМ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ. VIII Международная научно-практическая конференция «SCIENCE AND EDUCATION IN THE MODERN WORLD: CHALLENGES OF THE XXI CENTURY» 2021. Том. 2. С. 40-43
21. M.D Rakhmonovna “The Role and Importance of Small Business in Shaping the Digital Economy” American Journal of Economics and Business Management 4 (8), 82-90, 2021
22. D. Makhmudova “Рақамли иқтисодиётни шакллантириш асосида кичик бизнеснинг бошқарув тизимини такомиллаштириш” Science and innovation 1 (A5), 440-448, 2022
23. D.Makhmudova “РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА КИЧИК БИЗНЕС ИСТИҚБОЛЛАРИ” Science and innovation 1 (A6), 516-523, 2022

24. D. Maxmudova “КИЧИК БИЗНЕС ВА УНИ БОШҚАРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ, ШАҚЛЛАРИ, МЕТОДЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ” *Science and innovation* 1 (A7), 435-445. 2022
25. D. Maxmudova “РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИШДА КАДРЛАР МАСАЛАСИ” *Science and innovation* 1 (A7), 446-450. 2022
26. D. Maxmudova “РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КИЧИК БИЗНЕС БОШҚАРУВИНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ” *Science and innovation* 1 (A7), 451-461. 2022
27. D. Maxmudova “РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ” *Science and innovation* 1 (A7), 462-469. 2022
28. D. Maxmudova “ТАДБИРКОРЛИК ВА БИЗНЕСНИНГ МОҲИЯТИНИ АНГЛАШ, КИЧИК БИЗНЕС БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ АСОСИДИР” *Science and innovation* 1 (A7), 470-781. 2022
29. D. Maxmudova “ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КИЧИК БИЗНЕСНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ” *Science and innovation* 1 (A7), 482-488. 2022
30. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)
31. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
32. [www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz)